

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ТЕМИРОВА МУНОЖАТХОН КУВВАТАЛИЕВНА

КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ БИЛАН ОҒРИГАН БОЛАЛАРДА
НЕВРОЛОГИК БУЗИЛИШЛАР

14.00.13 – Неврология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Темирова Муножатхон Кувваталиевна Коронавирус инфекцияси билан оғриган болаларда неврологик бузилишлар.....	3
Темирова Муножатхон Кувваталиевна Неврологические расстройства у детей с коронавирусной инфекцией.....	25
Temirova Munojatkhon Kuvvataliyevna Neurological disorders in children with coronavirus infection.....	47
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	52

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ТЕМИРОВА МУНОЖАТХОН КУВВАТАЛИЕВНА

КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ БИЛАН ОҒРИГАН БОЛАЛАРДА
НЕВРОЛОГИК БУЗИЛИШЛАР

14.00.13 – Неврология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.1.PhD/Tib2477 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маджидова Якутхон Набиевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Туйчибаева Нодира Мираталиевна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Абдуллаева Наргиза Нурмаатовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация химояси Тошкент тиббиёт академияси хузуридаги DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99871)150-78-28, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ -рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99871) 214-82-90.

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2024 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Р.Ж. Магмуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Р.Б. Азизова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Д.К. Хайдарова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда бутун дунё ҳамжамиятининг диққат марказида битта умумий муаммо—янги COVID-19 коронавирус инфекциясининг тарқалиши. Коронавирус нафақат катталарда, балки болаларда ўзининг юқори тажовузкорлигини, ҳамда жиддий неврологик асоратларини келтириб чиқариши билан намоён қилди. ЖССТ ва мактаб ёшидаги болаларнинг Саломатлик хулқ-атвори (HBSC) тадқиқотини олиб боровчи гуруҳ томонидан эълон қилинган янги маълумотларга кўра, «COVID-19 болалар ва ўсмирларга, айниқса мактаблари узоқ вақт давомида ёпилган ва уйда ҳам, мактабда ҳам қўллаб-қувватланмаган ночор оилаларга тенг бўлмаган таъсир кўрсатди»¹. Сўнги маълумотларга қараганда, Соғлиқни Сақлаш вазирлигининг 2024 йил 1 октябрь маълумотларига кўра касалланганлар сони 238 818 та, тузалганлар 236 999 та ва вафот этганлар 1637 тани ташкил қилди. Болаларда COVID-19 ноаниқ ёки белгиларсиз кечиши оқибатида юзага келган оғир ҳолатлар, ҳамда неврологик бузилишларни аниқлаш ва коррекция қилиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда COVID-19 билан боғлиқ бўлган бемор болаларда неврологик ўзгаришларни эрта аниқлаш ва профилактик чора тадбирларнинг самарадорлигини оширишга йўналтирилган кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, COVID-19 инфекциясини ўтказган болаларда психоэмоционал ва когнитив бузилишларни баҳолаш, неврологик асоратлар профилактикасини такомиллаштириш, даво мезонларини оптималлаштириш, COVID-19 даврда неврологик касалликларни ривожланиш хавфи учун прогностик мезонларни ишлаб чиқиш каби масалалар ўрганилмоқда. Коронавирус инфекциясини ўтказган болаларда лаборатор маркерлардан Д-димер, прокальцитонин, интелейкин-6 даражаси, шунингдек Р субстанцияси кўрсаткичларини ўрганиш орқали неврологик асоратлар ривожланиш эҳтимолини олдиндан баҳолаш кабилар алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар билан бир қаторда коронавирус инфекцияси тарқалишининг асоратларини камайтириш, беморларга самарали тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, «... аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш»² га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида болалар орасида коронавирус инфекциясидан

¹ World Health Organization, 2023. https://www.who.int/health-topics/coronavirus#tab=tab_1

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5590-сонли Фармони.

кейинги психоэмоционал ва когнитив бузилишларнинг клиник-нейрофизиологик, нейроиммунологик ва биокимёвий ўзига хослиги аниқлаш ва ташхислашни оптималлаштириш, замонавий тиббий ускуналардан тўлақонли фойдаланиш даражасини янги босқичга кўтариш ва тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги ПФ–6035–сон «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, санитария-эпидемиологик осойишталик ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 29 январдаги ПФ–5537–сон «Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг янги тури кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича Республика махсус комиссиясини ташкил этиш тўғрисида» ги фармонлари, 2020 йил 26 мартдаги ПҚ-4649–сон «Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124–сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва техникаси ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу диссертация тадқиқоти VI. «Тиббиёт ва фармакология» бўйича Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишлар талабларига мувофиқ амалга оширилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Статистик маълумотларга кўра, болаларда касалланиш ҳолатлари сезиларли даражада ошганлиги аниқланган. Бирлашган Миллатлар ташкилотининг болалар жамғармаси (UNICEF) маълумотларига кўра, 2021 йил декабр ҳолатида, COVID-19 дан 3.3 миллион ўлимнинг 0,4 фоизи болалар ва ўспиринларга тўғри келиши, ҳамда бу 11700 дан ортиқ эканлиги аниқланган. Шулардан 42% 9 ёшгача бўлган болалар ташкил қилиши аниқланган. Болалар популяциясига вирус 7-11% ҳолларда юқиши ва 1,7–2,2% ҳолларда касал бўлиши аниқланган (Wang FS, Zhang C, 2019). 90% ҳолларда болалар улар бу касалликни енгил, ўртача ва белгиларсиз шаклда олиб юришиши (Dong Y, Mo X, Hu Y, 2020), аммо улар вирусни юқтиришда иштирок этишлари мумкинлиги (Kucharski JA, Russell WT, Diamond C, 2020), бу коморбид фондаги болалар ва қариялар учун ўта хавfli бўлиши аниқланган.

Болаларда ўткир COVID-19 нинг кам тарқалишига қарамай, SARS-CoV-2 инфекцияси кўпроқ узоқ муддатли иккита таъсирга эга бўлиши аниқланган. Биринчиси, SARS-CoV-2 билан вақтинча боғлиқ бўлган ёки болаларда кўп тизимли яллиғланиш синдроми бўлиб, бунда иммунитет воситачилигидаги касаллик ҳисобланади, у болаларнинг кичик фоизига тахминан 0,1% ва SARS-CoV-2 инфекциясидан 2-6 ҳафта ўтгач таъсир қилиши аниқланган. Иккинчиси, узоқ COVID-19, шунингдек, постковид синдроми ёки SARS-CoV-2 ўткир оқибатлар сифатида ҳам танилган. (Zimmermann P, Pittet LF, 2020). Ушбу иборалар COVID-19 дан кейин давом этадиган аломатларга ишора қилади.

Бирок, асосан катталарнинг ҳиссий, неврологик ва кардиореспиратор тизимларига, шунингдек беморларнинг руҳий саломатлигига таъсир қилиши аниқланган (L. Мао ва бошқалар., 2022). COVID-19 болалардаги нафас олиш касалликларидан ташқари кайфиятнинг бузилиши билан боғлиқ турли хил неврологик муаммолар, жумладан, бош оғриғи, энцефалопатия ва кўп тизимли яллиғланиш синдромини, бундан ташқари, энцефалит, эпилепсия, дисгевзия ёки агевзия, асептик менингит, инсульт дизартрияси, дисфагия, миёча атаксияси, гипотония, уйқучанлик, кома, ҳамда периферик нейропатия каби оғир неврологик нуқсонлар аниқланган (Ellul M.A., Benjamin L., Singh B., 2020).

COVID-19 нинг ўткир ва сурункали неврологик белгиларининг патофизиологияси, эҳтимол, марказий нерв тизимида тўғридан-тўғри вирусли инвазия ёки репликация, вазоконстрикция ёки окклюзия, макро ёки микроваскуляр етишмовчилик, оғир тизимли COVID-19 касаллиги ёки даволашнинг ўзига хос бўлмаган таъсири ва иммунитет тизимининг бузилиши туфайли, буларнинг барчаси биргаликда ёки алоҳида касалликларга олиб келиши аниқланган (Schober M.E., Pavia A.T., Bohnsack J.F., 2021). COVID-19 болаларда енгилдан оғиргача бўлган неврологик муаммоларни келтириб чиқаради, жумладан нафас асфиксияси, миалгия, энцефалопатия ва инсульт. Яллиғланиш реакциялари ва цитокин бўронлари ушбу касалликларнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, иммунитет тизимини ва миё фаолиятини ўзгартиради ва вируснинг миёга киришига имкон беради. Миёга вирус кириб боришига қарамай, билвосита сезиларли иммунитет реакцияларини қолдиради. COVID-19 билан касалланган янги туғилган чақалоқлар, эҳтимол, оғирроқ асоратларга олиб келадиган яллиғланиш реакцияларига кўпроқ мойил бўлиши аниқланган (Siddique R., Khan S., Shabana, 2022).

Захарова И.Н. ва ҳаммуаллифлар тадқиқотларига кўра, янги коронавирус инфекциясидан тузалган болаларда когнитив функцияларнинг пасайиши аниқланган. (Захарова И.Н., ва ҳаммуаллифлар 2022). COVID-19 дан кейин 6 ой ичида болаларда тез-тез ўткир респиратор вирусли инфекциялар (ЎРВИ) тез чарчаш, холсизлик, ҳид ва таъм сезгисининг ўзгариши, уйқу бузилишлари, умумий қон тахлили, биокимёвий тахлиллар ва иммунограммадаги ўзгаришлар билан тавсифланади. (Иванова О.Н., 2021).

Болалардаги турли даражадаги руҳий бузилишлар постковид энцефалопатия билан бирга келади ва Векслер усулидан фойдаланиш интеллектуал бузилишларнинг бир қатор хусусиятларини аниқлаш имконини беради, бу эса аниқланган нейропсихологик касалликларни дифференциал психокоррекция қилиш усуллариини такомиллаштириш имконини беради (Рахимбоева Г.С., Асомова Н.И. 2024). COVID-19 инфекциясига чалинган ҳомиладорларда туғруқдан кейинги даврда неврологик дисфункциялари ўрганилди ва уларнинг биокимёвий-гормонал ва нейровегетатив текширув кўрсаткичлар билан ўзаро боғлиқлиги аниқланган (Насриддинова Ш.И., Ихтиярова Г.А., 2022). COVID-19 инфекцияси ўтказган сурункали ишемияси бўлган беморларда когнитив бузилишларнинг ривожланишида нейробиомаркерларнинг роли аниқланган (Ахмеджанова З.Б., Маджидова Я.Н. 2023). COVID-19 ва ишемик инсульт билан касалланган беморларни даволаш ва

реабилитация қилишни ўрганишга бағишланган тадқиқотлар натижалари эрта ва кечиктирилган мия шикастланишининг кўплаб механизмларида муваффақият қозонганлигини кўрсатади (Рахимбаева Г.С., Атаниязов М.К. 2023). Тадқиқот натижалари бизга когнитив бузилишларни постковид синдромнинг энг кенг тарқалган кўринишларидан бири сифатида таснифлаш имконини беради. Бу неврологларнинг эътиборини постковид синдром билан оғриган беморларда когнитив бузилишлар хавфи ортишига қаратишга имкон беради ва уларни эрта ташхислашга ёрдам беради. Нейропсихологик скрининг тестининг универсаллиги, Mini-mental State Examination (MMSE) текшируви ушбу беморларда когнитив бузилишларни аниқлаш учун фойдаланилади (Ахророва Ш.Б., Нуруллаев Н.Н. 2021).

Шундай қилиб, ҳозирги кунда COVID-19 ўтказган болаларда психоэмоционал бузилиш ҳолатлари тобора кўпайиб бормоқда ва уларни ўз вақтида ташхислаш чораларини такомиллаштириш, ҳамда оғир неврологик асоратларга ўтишини башорат қилиш усулларини ишлаб чиқишга қаратилган бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Коронавирус инфекциясига чалинган болаларда когнитив бузилишларнинг клиник-неврологик, нейрофизиологик, биокимёвий, нейроиммунологик хусусиятларини аниқлаш, ҳамда асоратларини олдини олиш бўйича янги замонавий диагностик имкониятларни оптималлаштириш муҳим амалий аҳамиятга эга.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Болаларда туғма ва ортирилган касалликларни диагностикаси, даволаш ва профилактика усулларини такомиллаштириш» мавзусидаги илмий йўналиш доирасида бажарилган (2022-2024 йй) Шифр:03.191, №01980006703.

Тадқиқотнинг мақсади коронавирус инфекцияси билан оғриган болаларда нерв тизими шикастланишининг ўзига хослигини ўрганиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

коронавирус инфекцияси билан оғриган болаларда нерв тизими шикастланишининг клиник-неврологик хусусиятларини баҳолаш;

коронавирус инфекциясида нерв тизими шикастланишининг лаборатор маркерларини аниқлаш;

постковид даврда неврологик бузилишлар хусусиятларини аниқлаш;

постковид даврда неврологик бузилишлар ривожланиши хавфининг прогностик мезонларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2021-2023 йиллар давомида Тошкент вилояти Зангиота тумани Ихтисослаштирилган кўп тармоқли юқумли касалликлар шифохонасида даволанган 0 ёшдан 18 ёшгача бўлган 170 нафар бемор болалар ва 32 нафар амалий соғлом болалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида клиник ва неврологик текширув, когнитив тестлар, биокимёвий кўрсаткичлар ва биомаркерларни аниқлаш учун периферик қон олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида клиник-неврологик текширувлар, нейропсихологик тестлар, биокимёвий анализ ва статистик тадқиқотлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

коронавирус инфекциясининг ўткир даврида марказий нерв тизимининг гипоксик-ишемик шикастланиши натижасида енгил интоксикациясидан, оғир COVID-19 ассоцирланган энцефалопатия, энцефалит ва менингоэнцефалитгача бўлган неврологик асоратлар ривожланиши исботланган;

болаларда цитокин бўрони ва нерв тизимининг оғир шикастланиши патогенезида Р субстанцияси кўрсаткичининг ошиб кетиши исботланган;

невростатус бузилишининг оғирлиги ва Р субстанцияси даражаси ўртасидаги муносабатни баҳолашда ўртача яқин тўғридан-тўғри корреляцион боғлиқлиги исботланган;

болаларда ўткир ва постковид даврда неврологик асоратлар ривожланишининг прогностик мезонлари сифатида преморбид фон, коронавирус инфекциясининг оғирлиги ва кўп тизимли шикастланишларнинг аҳамияти аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Д-димер, прокальцитонин, интерлейкин-6, шунингдек Р субстанцияси кўрсаткичларининг статистик жиҳатдан сезиларли фарқлари аниқланган ва уларни анамнезида COVID-19 инфекцияси бўлган болаларда неврологик бузилишларнинг ривожланиши учун индикатор сифатида қўллаш тавсия қилинган.

Коронавирус инфекциясини ўтказган болаларда неврологик касалликларнинг профилактикасини оптималлаштириш мақсадида психоэмоционал ва когнитив бузилишларни эрта ташҳислаш МоСА ва Спилбергер-Ханин тестини ўтказиш таклиф қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда ишлатилган методларнинг аниқлиги ва самарадорлиги, иштирок этган беморлар сони ва уларнинг турли жинс, ёш ва бошқа параметрлар бўйича тақсимланганлиги, клиник, неврологик, нейрофизиологик, лаборатор натижаларнинг статистик таҳлили тўғри амалга оширилиши, тадқиқот натижалари кенг аҳолига ёки аниқ гуруҳга тааллуқли бўлиши, назорат гуруҳнинг мавжудлиги, яъни тажриба ва назорат гуруҳлари орасидаги фарқларни аниқлаш имкониятининг мавжудлиги, ҳамда илмий натижаларининг бошқа халқаро ва маҳаллий тадқиқотларда такрорланиши, шунингдек ваколатли идоралар томонидан берилган хулосалар билан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, коронавирус инфекцияси ўтказган болаларда психоэмоционал ва когнитив бузилишларни ташҳислаш, клиник-неврологик хусусиятлар билан биомаркерларининг орасидаги корреляцион боғлиқликни аниқлаш имконини такомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, коронавирус инфекцияси ўтказган болаларда биокимёвий ва нейрофизиологик ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда психоэмоционал ва когнитив бузилишларни эрта ташҳислаш келажакда жамиятда ногиронлик даражасининг кўпайишини олдини олади ва

амбулатор шароитда умумий амалиёт шифокорларига касалликни тўғри олиб бориш билан изохланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Коронавирус инфекцияси билан оғриган болаларда неврологик бузилишлар бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: коронавирус инфекциясининг ўткир даврида марказий нерв тизимининг гипоксик-ишемик шикастланиши натижасида енгил интоксикациясидан, оғир COVID-19 ассоцирланган энцефалопатия, энцефалит ва менингоэнцефалитгача бўлган неврологик асоратлар ривожланишини асосланганлиги бўйича таклифлар Тошкент педиатрия тиббиёт институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 3 январда 03/157-сон билан тасдиқланган “Болаларда коронавирус инфекциясининг клиник-неврологик ва биокимёвий жиҳатлари” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Фарғона вилояти, Бувайда тумани тиббиёт бирлашмаси бўйича 10.01.2024 йилдаги 19-сонли буйруғи билан ва Республика махсус 1-сон Зангиота шифохонаси бўйича 16.01.2024 йилдаги 10-п сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашининг 2024 йил 8 июлдаги 02/50-сонли хулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* COVID-19 ўтказган болаларда когнитив ва психомоционал ҳолатини баҳолаш, уларнинг келажакдаги ижтимоий муҳитда билим олиш ва кўникмаларга эришишда юзага келадиган салбий оқибатларнинг олдини олишга ёрдам беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* болаларда коронавирус инфекциясининг ўткир ва постковид касалликларини вақтида даволашнинг иқтисодий самарадорлиги бир неча асосий аспектлардан иборат бўлди: болаларнинг коронавирус инфекцияси билан боғлиқ касалликларини тез ва эффектив даволаш, коронавирус натижасида юзага келадиган оғир асоратларининг олдини олиш билан битта бемор учун 2 500 000 сўм тежаш имконини берди. Хулоса. Болаларнинг коронавирус инфекцияси билан боғлиқ касалликларини тез ва эффектив аниқлаш, касалликларнинг ўзига хос хусусиятларини тушунтириш ва жамиятнинг касалликларга қарши кўрсатган муносабатини таъминлаш билан амалга оширилди ва 1 нафар бемор учун 2 500 000 сўм тежаш имконини берди;

иккинчи илмий янгилик: болаларда цитокин бўрони ва нерв тизимининг оғир шикастланиши патогенезида Р субстанцияси кўрсаткичининг ошиб кетиши аниқланганлиги бўйича таклифлар Тошкент педиатрия тиббиёт институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 3 январда 03/157-сон билан тасдиқланган “Болаларда коронавирус инфекциясининг клиник-неврологик ва биокимёвий жиҳатлари” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Фарғона вилояти, Бувайда тумани тиббиёт бирлашмаси бўйича 10.01.2024 йилдаги 19-сонли буйруғи билан ва Республика махсус 1-сон Зангиота шифохонаси бўйича 16.01.2024 йилдаги 10-п сонли буйруқ

билан билан амалиётига жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий-техник кенгашининг 2024 йил 8 июлдаги 02/50-сонли хулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* коронавирус инфекцияси билан боғлиқ неврологик асоратлар бўйича тиббий ёрдам ва даволаш хизматларини таъминлаш, болаларнинг таълим олиш жараёнига таъсир қилмаслигини ва асоратларни камайтиришни амалга оширишга имкон берди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* коронавирус инфекциясига чалинган бемор болаларнинг ташхисоти учун ўрта ҳисобда 1,2 миллион сўм сарфланади. COVID-19 ўтказган беморларнинг когнитив фаолитининг бузилиши узоқ муддатли медикаментоз коррекцияни талаб этади. Беморларни ўз вақтида ташхислаш, қондаги Р субстанциясини, шу билан бирга Д-димер, прокальцитонин, интерлейкин-6 ни аниқлаш касалликнинг оғир асоратларининг олдини олиш имконини берди. Ташхисот мақсадида бир нафар бемор учун 350 минг сўм сарфланди. Хулоса: болаларда цитокин бўрони ва нерв тизимининг оғир шикастланиши патогенезида иштирок этувчи Р субстанциясининг кўрсаткичи сезиларли даражада ошиб кетиши исботланди. Бу асоратларни тез аниқлаш, даволаш ва ташхис қўйишда муҳим аҳамиятга эга;

учинчи илмий янгилик: невростатус бузилишининг оғирлиги ва Р субстанцияси даражаси ўртасидаги муносабатни баҳолашда ўртача яқин тўғридан-тўғри корреляцион боғлиқлиги аниқланганлиги бўйича таклифлар Тошкент педиатрия тиббиёт институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 3 январда 03/157-сон билан тасдиқланган “Болаларда коронавирус инфекциясининг клиник-неврологик ва биокимёвий жиҳатлари” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Фарғона вилояти, Бувайда тумани тиббиёт бирлашмаси бўйича 10.01.2024 йилдаги 19-сонли буйруғи билан ва Республика махсус 1-сон Зангиота шифохонаси бўйича 16.01.2024 йилдаги 10-п сонли буйруқ билан билан амалиётига жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий-техник кенгашининг 2024 йил 8 июлдаги 02/50-сонли хулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* невростатус бузилишининг оғирлиги ва Р субстанцияси даражаси ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш шифокорларга эрта ташхис қўйиш ва даволаш ёндашувларига таъсир кўрсатиши натижасида болаларда ривожланиши мумкин бўлган қўпол неврологик асоратларини олдини олишга эришилди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* коронавирус инфекциясини ўтказган бемор болаларда неврологик касалликларнинг профилактикасини оптималлаштириш мақсадида МоСА ва Спилбергер-Ханин тестини ўтказиш психоэмоционал ва когнитив бузилишларни аниқлашга ҳамда, қўпол органик асоратларни олдини олишга эришилди; қўпол асоратлари мавжуд бўлган ҳар бир беморнинг стационар даволаниши учун ўрта ҳисобда 9 млн сўм сарфланади, бу эса беморларнинг йилига икки мартаба госпитализациясига мухтож. Психоэмоционал ва когнитив бузилишларни аниқлаш ва махсус йўналтирилган даволашни ташкил қилиш орқали COVID-19 ўтказган

беморларнинг стационар даволаниши учун кетадиган маблағ 2,5 млн сўмга айланди. Хулоса. COVID-19 нинг неврологик оқибатлари болалар, оилалар ва жамиятнинг турли жабҳаларига жиддий таъсир кўрсатади. Бундан келиб чиқадики, ушбу масалани тиббий ва ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан синчиклаб ўрганиш ва чора-тадбирлар ишлаб чиқиш муҳим. Неврологик бузилишларни эрта ташхислаш орқали ривожланиши мумкин бўлган бош мия органик асоратларининг олдини олишга эришилди;

тўртинчи илмий янгилик: болаларда ўткир ва постковид даврда неврологик асоратлар ривожланишининг прогностик мезонлари сифатида преморбид фон, короновирус инфекциясининг оғирлиги ва кўп тизимли шикастланишларнинг аҳамияти аниқланганлиги бўйича таклифлар Тошкент педиатрия тиббиёт институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 3 январда 03/157-сон билан тасдиқланган “Болаларда короновирус инфекциясининг клиник-неврологик ва биокимёвий жиҳатлари” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Фарғона вилояти, Бувайда тумани тиббиёт бирлашмаси бўйича 10.01.2024 йилдаги 19-сонли буйруғи билан ва Республика махсус 1-сон Зангиота шифохонаси бўйича 16.01.2024 йилдаги 10-п сонли буйруқ билан билан амалиётга жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий-техник кенгашининг 2024 йил 8 июлдаги 02/50-сонли хулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* болаларнинг неврологик асоратлари оилалар ва жамият учун катта юк бўлади. Прогностик мезонларни билиш ушбу юкни камайтиришга ёрдам берди. Болаларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий интеграциясини яхшилаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Жамиятнинг COVID-19 га нисбатан тайёргарлигини оширди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* прогностик мезонлар шифокорларга касалликнинг кечишини башоратлаш ва даволашни индивидуаллаштиришга ёрдам берди. Эрта ташхис қўйиш ва профилактик чораларни кўриш имконини берди. Прогностик мезонлар тиббий харажатларни оптималлаштириш ва самарали тиббий хизматлар кўрсатишга ёрдам берди. Оилаларнинг иқтисодий юкини камайтирди ва ижтимоий-меҳнат реабилитациясини осонлаштирди. Давлат томонидан ажратиладиган маблағларни самарали тақсимлашга имкон берди. Хулоса. Болаларда COVID-19 нинг неврологик асоратлари учун прогностик мезонларни аниқлаш ушбу муаммо билан боғлиқ илмий, ижтимоий, тиббий ва иқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган нашрларида 7 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 102 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблигига ва заруратига асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, республикада фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгиликлари ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Коронавирус инфекциясига замонавий назар (адабиётларни шарҳи)”** нинг биринчи бобида COVID-19 даги неврологик касалликлар ҳақидаги замонавий маълумотларга оид мунозарали масалаларни акс эттирувчи илмий манбалар маълумотлари келтирилган. Коронавирус инфекцияси билан оғриган болаларда неврологик касалликларнинг хусусиятларини эрта ташхислашнинг роли ва аҳамияти тасвирланган.

Диссертациянинг **“Клиник материаллар ва қўлланилган тадқиқот усулларининг умумий тавсифи”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари ва усуллари келтирилган. Тадқиқотда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, коронавирус инфекцияси билан касалланган 170 нафар бемор болалар клиник кўриқдан ўтказилган. Текширувга 2021-2023 йиллар давомида Республика махсус 1-сон Зангиота шифохонасида даволанаётган 0 ёшдан 18 ёшгача бўлган бемор болалар ва 32 нафар амалий соғлом болалар олинган.

Белгиланган мезонларга кўра, беморлар қуйидаги гуруҳларга бўлинган. Биринчи гуруҳ COVID-19 инфекцияси тасдиқланган (нафас йўллари намуналарида ПЗР, анти-SARS-CoV-2 IgG учун серологик текширув ижобий) ва неврологик касалликларга эга 70 нафар (58,8%) беморлардан иборат бўлиб, улардан 43 нафар (61,4%) ўғил ва 27 нафар (38,6%) қиз болалар ташкил қилди (1-жадвал).

1-жадвал

Тадқиқотга киритилган бемор болаларнинг тақсимланиши

Категория	Абс.	%	95% ИОЧ
Биринчи гуруҳ	70	34,7	28,1 – 41,7
Иккинчи гуруҳ	100	49,5	42,4 – 56,6
Назорат гуруҳ	32	15,8	11,1 – 21,6

Иккинчи гуруҳ–COVID-19 инфекцияси тасдиқланган (нафас йўллари намуналарида ПЗР, анти-SARS-CoV-2 IgG учун серологик текширув ижобий, клиник натижалар) ва турли постковид бузилишлар билан 100 нафар (58,8%)

болалар бўлиб, улардан 52 нафари (52%) ўғил болалар ва 48 нафари (48%) қиз болаларни ташкил қилди. Тадқиқот давомида биринчи гуруҳдаги беморлар иккита қўшимча кичик гуруҳга ажратилди. I-A гуруҳга фақат неврологик касалликларга чалинган, аммо тизимли бузилишларсиз 47 нафар (67,1%) бола киритилди. I-B гуруҳни эса тизимли касалликлар билан бирга неврологик муаммоларга эга бўлган 23 нафар (32,9%) бола ташкил этди.

Тадқиқотнинг иккинчи гуруҳида ҳам чуқур сўровномадан сўнг иккита кичик гуруҳ шакллантирилди. II-A гуруҳга COVID-19 инфекцияси тасдиқланган ва неврологик асоратлари мавжуд бўлган 65 нафар (65%) бола киритилди. II-B гуруҳни эса COVID-19 инфекцияси тасдиқланган, аммо неврологик асоратлари кузатилмаган 35 нафар (35%) бола ташкил этди. Шунингдек, когнитив, психоэмоционал бузилишларни, ҳамда Р субстанцияси даражасини таққослаш учун 32 та боладан иборат назорат гуруҳи қабул қилинди, улар орасида 16 нафар (50%) ўғил болалар ва 16 нафар (50%) қизларни ташкил қилди, уларнинг ўртача ёши 8 (3; 11) ёшни ташкил қилди.

Беморларда клиник (шикоятлари ва касаллик анамнези, соматик статуси ва коморбид ҳолат ўрганилган), неврологик (неврологик ҳолати, нерв-психодиагностик тест), лаборатор ва нейрпсихологик тадқиқод натижаларининг таҳлили учун статистик усуллар келтирилган.

Тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили вариацион статистик усуллари ёрдамида амалга оширилган. Икки гуруҳни меъёрдан фарқ қиладиган миқдорий кўрсаткич бўйича таққослаш Манн-Уитни U-тести, уч ёки ундан ортиқ гуруҳларни таққослаш Краскел-Уоллис мезони, Постериори таққослашлар Даннининг тепаликни тузатиш мезони, тўрт полли конъюгация жадвалларини таҳлил қилишда фоиз ставкаларини таққослаш Пирсон хи-квадрат мезони (кутилган ҳодиса қийматлари 10 дан ортиқ бўлса), Фишернинг аниқ мезони (кутилган ҳодиса қийматлари 10 дан кам бўлса), кўп майдонли конъюгация жадвалларини таҳлил қилишда фоиз ставкаларини таққослаш Пирсон хи-квадрат тести ёрдамида амалга оширилди. Миқдорий ўзгарувчининг омилларга боғлиқлигини тавсифловчи башоратли модел чизиқли регрессия усули ёрдамида ишлаб чиқилган. Олинган ўлчовларни статистик аҳамиятини аниқлаш учун Стъюдент (t) мезони, ишончлилик даражаси (p)да ифойдаланилган; фарқлар 95% ишонч оралиғида ($p \leq 0,05$) қабул қилинган.

“Текширилган болаларнинг клиник хусусиятлари” деб номланган диссертациясининг учинчи бобида беморларни текшириш натижалари келтирилган. COVID-19 билан боғлиқ неврологик касалликлар бир неча асосий гуруҳларга ажратилди.

I-A гуруҳда 25 нафар беморда COVID-19 ассоцирланган энцефалопатия, 8 нафар беморда иккиламчи энцефалит ва менингоэнцефалит белгилари, 10 нафар беморда периферик нерв тизимининг зарарланиши ва 4 беморда ўткир симптоматик эпилептик хуруж бор эди. Беморларнинг I-B гуруҳида 16 беморда COVID-19 ассоцирланган энцефалопатия кузатилди, 4 беморда ўткир симптоматик эпилептик хуруж аниқланди, 1 беморда ПНТ

зарарланиши ва 1 беморда иккиламчи энцефалит ва бош мияда ўткир қон айланиши етишмовчилиги ҳам аниқланди.

2-жадвал

Асосий гуруҳ текширилган болаларининг неврологик ташхисоти

Ташхис	Жами		I-A гуруҳ		I-B гуруҳ		P
	70	%	47	%	23	%	
COVID-19 ассоцирланган энцефалопатия	41	58,6	25	53,2	16	69,6	0,073
ПНТ зарарланиши	11	15,7	10	21,3	1	4,3	
Иккиламчи менингоэнцефалит	9	12,9	8	17	1	4,3	
Ўткир симптоматик эпилептик хуруж	8	11,4	4	8,5	4	17,4	
Бош мияда ўткир қон айланиш етишмовчилиги	1	1,4	0	0	1	4,3	

Беморларнинг ташхисига қараб неврологик ташхисни баҳолашда статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар топилмади ($p=0,073$; қўлланилган усул: Пирсоннинг Хи-квадрат мезони).

COVID-19 билан касалланган болаларнинг преморбид фонининг хусусиятларини қиёсий ўрганиш ўтказилди. Натижалар шуни кўрсатадики, тизимли касалликларга чалинган болаларнинг онаси ҳомиладорлик пайтида анемия кўпроқ кузатилган: I-B гуруҳда 1-даражали анемия оналарнинг 82,6 фоизда, 2-даражали анемия-17,4% ва 3-даражали анемия-13%, I-A гуруҳ болаларнинг оналарида эса: 1-даражали анемия – 66%, 2 ва 3-даражали анемия- оналарнинг 14,9% ва 8,5% да, аммо гуруҳлар ўртасида статистик жиҳатдан сезиларли фарқ йўқ эди. Ҳомиладорлик даврида гестоз билан касалланиш тизимли касалликларга чалинган гуруҳда тез-тез учради, бу COVID-19 даврида асоратлар хавфининг ошиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Ҳомиладорликнинг биринчи ярмида гестоз I-B гуруҳда тез-тез кузатилган- 17,4%, I-A гуруҳда 8,5% ҳолларда, шунингдек I-B гуруҳда ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида гестоз деярли ҳар 5 беморда ва I-A гуруҳда фақат оналарнинг 8,5 фоизда кузатилган. Ҳомиладорлик давридаги токсикоз, хавф омили сифатида, тизимли касалликларнинг ривожланишининг қўшимча хавфини ҳам англатади, I-B гуруҳда бу кўрсаткич 82,6%, I-A гуруҳда эса 70,2% ни ташкил этди. I-A гуруҳ аёлларида ҳомила тушиш хавфи 31,9% ҳолларда содир бўлган, I-B гуруҳда бу кўрсаткич юқори бўлган ва 47,8% ни ташкил қилган. I-A гуруҳдаги беморлар онасида ҳомиладорлик даврида ЎРВИ 55,3%, I-B гуруҳда эса сезиларли даражада юқори ва 78,3% дан ошган. Худди шу нарсани онада TORCH инфекциясининг ташувчиси ҳақида ҳам айтиш мумкин, бу ҳам тизимли касалликларнинг ривожланиш хавфига таъсир қилиши мумкин.

Нерв тизимининг перинатал зарарланиши болаларнинг соғлиғини ва келажақда неврологик касалликларнинг ривожланиши билан боғлиқ хавфларни баҳолашда муҳим рол ўйнайди.

Бизнинг тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики, I-A гуруҳдаги болаларнинг 25,5% ва тизимли касалликларга чалинган болаларнинг 26,1% ҳаракат бузилиши синдромига дуч келишади, аммо биз кўриб турганимиздек, гуруҳлар ўртасида фарқ йўқ эди ($p=0,960$). Гипертензив-гидроцефал синдромининг частотаси тизимли бузилишларсиз болаларнинг 34 фоизда ва I-Б гуруҳдаги болаларнинг 39,1 фоизда кузатилган (3-жадвал).

Таққосланган гуруҳларда марказий нерв тизимининг перинатал асоратлари намоён бўлишини таҳлил қилинганда, тизимли бузилишлар билан боғлиқ статистик фарқлар аниқланмади ($p>0,05$).

3-жадвал

Биринчи гуруҳ текширилган болаларининг перинатал фони

Кўрсаткичлар	Беморлар гуруҳи		P
	I-A гуруҳ	I-Б гуруҳ	
Ҳаракатнинг бузилиши синдроми	12 (25,5)	6 (26,1)	0,960
Гипертензив-гидроцефал синдром	16 (34,0)	9 (39,1)	0,676
Нейро-рефлектор кўзгалувчанлигининг ошиши синдроми	20 (42,6)	13 (56,5)	0,271
Вегето-висцерал дисфункция синдроми	27 (57,4)	17 (73,9)	0,181

Изоҳ: * - ($p>0,05$)


Нейро-рефлектор кўзгалувчанлик I-A гуруҳ болаларда 42,6%, I-Б гуруҳ болаларда 56,5%, вегето-висцерал тизимнинг дисфункцияси I-A гуруҳ болаларда 57,4 %, I-Б гуруҳ болаларда 73,9% аниқланди. Шундай қилиб, марказий нерв тизимининг перинатал зарарланиши соматик патологияда мослашиш механизмларининг пасайишига олиб келиши мумкин.

Иккала гуруҳда ҳам коморбид патология кузатилди. Коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларда коморбид фон тизимли бузилишларнинг ривожланиш ҳавфини оширади ($p=0,004$). Касалликга мойил бўлган болаларда тизимли касалликларнинг оғир кечиши кузатилади. Бундай ҳолда, юрак қон-томир касалликлари, ошқозон-ичак касалликлари ва ўткир респиратор инфекциялари бўлган болаларда статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар топилган (мос равишда $p=0,035$, $p=0,001$, $p=0,002$) (қўлланилган усул: Пирсоннинг Хи-квадрати, Фишернинг аниқ мезонлари)

Болаларнинг умумий аҳолини баҳолашда 3 нафар боланинг аҳоли нисбатан қониқарли, 26 нафарининг (37,1%) умумий аҳоли ўртача, 32 нафари (45,7%) оғир аҳволда ва 9 нафар (12,9%) бемор жуда оғир аҳволда эди.

Беморларнинг гуруҳига қараб (1-расм) касалликнинг оғирлик даражасини баҳолаш натижасида биз статистик жиҳатдан муҳим фарқларни топдик ($p<0,001$, $p=0,025$). Тақдим этилган маълумотларга асосланиб, тизимли бузилишларга чалинган болаларда COVID-19 нинг оғир шакллари ривожланиши эҳтимоли кўпроқ эканлиги аниқланди.

Текширилган болаларнинг 14 (20%) да эс хушнинг бузилиши кузатилди (хиралашидан комагача). Тизимли бузилишларсиз гуруҳда 9 бола (19,1%) да эс хуши бузилган, кома (1; 2,1%), сонор (2; 4,3%), хиралашидан (6; 12,8%) ва тизимли бузилишлар бўлган гуруҳда-5 нафаридан (21,3%) эс хуши бузилган, шу жумладан кома (1; 3,3%), сонор (2; 8,7%), хиралашидан (2; 8,7%) ташкил қилган (1-расм).



1-расм. Тизимли касалликларга қараб умумий ҳолат кўрсаткичлари

Невростатусни гуруҳлар ўртасида таққослаганда, COVID-19 фонидан неврологик асоратлари бўлган болаларда кичик ўчоғли белгилар бироз кўпроқ учради, тизимли касалликлар қўшилганда эса мия бўйлаб ўзгаришлар устунлик қилди.

4-жадвал

Асосий гуруҳ беморларининг невростатуси

Кўрсаткичлар	Беморлар гуруҳи		P
	I-A гуруҳ	I-B гуруҳ	
Кўзни ҳаракатлантирувчи нерв зарарланишлари	32 (68,1)	13 (56,5)	0,343
Птоз	4 (8,5)	1 (4,3)	0,6
Ғилайлик	15 (31,9)	5 (21,7)	0,376
Нистагм	28 (59,6)	12 (52,2)	0,557
Юз нервининг зарарланиши	21 (44,7)	9 (39,1)	0,659
Юз ассимметрияси	19 (40,4)	8 (34,8)	0,649
Бурун-лаб бурманинг силлиқланиши	22 (46,8)	8 (34,8)	0,34
Бульбар бузилиш	5 (10,6)	5 (21,7)	0,279
Гипертонус	21 (44,7)	9 (39,1)	0,659
Гипотонус	18 (38,3)	9 (39,1)	0,946
Парез ва фалаж	8 (17,0)	4 (17,4)	0,6
Патологик рефлекслар	24 (51,1)	13 (56,5)	0,667
Пай рефлексларининг ошиши	21 (44,7)	9 (39,1)	0,659
Пай рефлексларининг пасайиши	18 (38,3)	8 (34,8)	0,775
Менингеал симптомлар	10 (21,3)	9 (39,1)	0,045*
Гипестезия	12 (25,5)	4 (17,4)	0,446
Гиперестезия	28 (59,6)	14 (60,9)	0,917
Ҳаракат бузилиши синдроми	25 (53,2)	9 (39,1)	0,269

Кўзни ҳаракатлантирувчи нерв зарарланиши I-A гуруҳдаги болаларда (68,1%) I-B гуруҳдаги болаларга нисбатан кўпроқ учради (56,5%), бу птоз (8,5% ва 4,3%), ғилайлик (31,9% ва 21,7%) ва нистагм (59,6% ва 52,2%) кўринишида намоён бўлди. Бу белгилар неврологик кўринишлардаги фарқларни ва яллиғланиш жараёнининг кўриш ўткирлигига таъсирини акс эттириши мумкин.

Юз нервларининг зарарланиши I-B гуруҳ (44,7%) билан солиштирганда I-A гуруҳ (39,1%) болаларида тез-тез кузатилди, бу кўпинча юз асимметрияси (мос равишда 40,4% ва 34,8%) ва бурун-лаб бурманинг силлиқланиши билан намоён бўлди, юз нервларининг шикастланиш белгилари ва кўп тизимли синдром (мос равишда 46.8% ва 34.8%) аниқланди.

Мушак тонусини ўрганишда мушак тонуси пасайган болаларнинг улуши иккала гуруҳда ҳам бир хил эди ва гипертонус неврологик гуруҳли болаларда кўпроқ учради (мос равишда 44,7% ва 39,1%), шунингдек бир хил ҳолатларда мушаклар кучининг пасайиши кузатилди (мос равишда 25% ва 19,2%) ва беихтиёр ҳаракатлар мавжудлиги (53,2% ва 39,1) патологик рефлекслар кўпинча тизимли зарарланишлари бўлган гуруҳдаги болаларда кузатилган (56,7% ва 51,1%). Тизимли касалликлар гуруҳида неврологик гуруҳ билан солиштирганда (21,3%) менингеал симптомларнинг сезиларли устунлигини таъкидлаш керак (39,1%).

Тадқиқот натижасида бемор болаларнинг тизимли касалликларига қараб қонидаги гемоглобин таққосланганда статистик жиҳатдан фарқлар аниқланди ($p=0,038$; усул: Манн-Уитнинг U-мезони), бошқа ҳолларда биз сезиларли фарқларни аниқлай олмадик.

Маълумотларга кўра, I-A гуруҳ болаларида гемоглобин даражаси 111,0 (104,0–120,5) г/л, тизимли касалликлари бўлган болаларда эса 101,0 (93,0–114,5) г/л, эритроцитлар даражаси кўп тизимли касалликлар бўлган болаларда ҳам паст, у билан лейкоцитлар даражаси I-B гуруҳдаги болаларда ҳам ушбу касалликларга эга бўлмаганларга нисбатан ошган, худди шу нарса эритроцитларнинг чўкиш тезлиги учун ҳам амал қилади, бу I-A гуруҳ болалари билан таққослаганда ($19,1 \pm 13,2$ мм/соат), I-B гуруҳдаги болаларда кўпайган ($25,0 \pm 17,6$ мм/соат). Тромбоцитлар сони тахминан тизимли касалликлари бўлган болаларда 310.0 (213.0–378.5) ва I-A гуруҳда эса 299.0 (224.0–388.5) эди. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, COVID-19 да тизимли бузилишларнинг мавжудлиги болалардаги УҚТ кўрсаткичларига бошқача таъсир қилади, шунингдек, Кавасаки касаллигида тромбоцитоз одатда ривожланиб боришини ва кўп тизимли касалликларда тромбоцитопения тез-тез кузатилган.

Гемоглобин, эритроцитлар ва тромбоцитларнинг камайиши, шунингдек, лейкоцит ва ЭҚТ нинг кўпайиши гематопоезнинг бузилиши, ҳамда яллиғланиш реакцияси тромботик асоратлар хавфини кўрсатиши мумкин.

Коагуллограмма таҳлили I-B гуруҳда тромбин вақт ва АЧТВ тезлашганлигини статистик жиҳатдан исботлади (мос равишда $p=0.041$, $p=0.004$; усул: Манн-Уитнинг U-мезони).

Қон биокимёвий маркерларини таҳлил қилинганда, маълумотларга кўра, тизимли бузилишларсиз COVID-19 бўлган болаларда Д-димер даражаси 912,6 (614,0–1261,7) нг/мл, тизимли бузилишлари бўлган болаларда эса 2200,0 (1263,2–2700,3) нг/мл $p < 0,001$ (усул: Манн-Уитнинг U-мезони) ташкил қилди.

Тизимли бузилишларсиз COVID-19 бўлган болаларда прокальцитонин даражаси 0,18 (0,14–0,25) нг/мл ни ташкил қилди, тизимли касалликларга чалинган болаларда эса 0,21 (0,20–0,30) нг/мл ни ташкил қилди, аммо бу контекстда фарқлар аҳамиятсиз эди. Интерлейкин-6 (IL-6) даражаси тизимли бузилишларсиз COVID-19 билан касалланган болаларда бу 11,5 (10,2–14,8) нг/мл, тизимли касалликларга чалинган болаларда эса 16,6 (11,1–35,2) нг/мл ни ташкил қилди.

Коронавирус инфекцияси билан касалланган неврологик асоратлари бўлган беморлар қон зардобидеги Р субстанцияси касалликнинг оғирлик даражасига муносиб тарзда сезиларли даражада ошиши кузатилди ($p = 0,008$; усул: Манн-Уитнинг U-мезони) (5-жадвал).

5-жадвал

Р субстанциянинг неврологик касалликларнинг оғирлигига таъсири

Категориялар	Р субстанция			Р
	Ме	Q ₁ –Q ₃	n	
Қониқарли	281,4	281,4 – 281,4	1	0.005* жуда оғир-ўртача оғир = 0.021
Ўртача оғирлик	2520,1	368,4 – 3023,9	28	
Оғир	2978,4	2892,6 – 3121,1	31	
Жуда оғир	3167,4	3118,0 – 3170,6	5	

Изоҳ: * - гуруҳлар орасидаги маълумотларнинг ишончлилиги ($p < 0.005$)

